

Ушбу сонда:

2

ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРГА ГАЗ КЕЛДИ

3

ТАДБИРКОР НЕГА БОШИ БЕРК КЎЧАГА КИРИБ ҚОЛДИ?

4

Шахмат: ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 30 июл, жума № 103 (750)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Космонавт С.Шариповни «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Американинг «Шаттл-Эндевер» космик кемасида фазони тадқиқ этишдаги жасорати, ўзбек миллатининг шон-шухратини юксалтиришдаги хизматлари ҳамда ёшларга коинот сирларини ўргатиш, уларни ватанпарварлик ва дўстлик руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси учун космонавт Солижон Шарипов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 29 июл.

«6+2» ГУРУХИНИНГ ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ ЯКУНЛАРИ БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ МАЖЛИСИДА МУХОКАМА ҚИЛИНДИ

28 июл куни Нью-Йоркда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси бўлди. Унда «6+2» гуруҳи номи билан машҳур бўлган Афғонистон қўшунари ва дўстлари гуруҳининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви яқунлари муҳокама қилинди.

Мажлис давомида Хавфсизлик Кенгашининг аъзолари «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашуви яқунларини юқори баҳолаб, уни Афғонистон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал этишга эришиш йўлидаги муҳим қадам, деб аташди. Тошкентдаги учрашувда «6+2» гуруҳида иштирок этувчи мамлакатлар делегациялари билан биргаликда Афғонистон можаросидаги икки асосий томон - «Толибон» ҳаракати ва Бирлашган Фронт вакиллари биринчи марта музокара столи атрофида тўплангани алоҳида таъкидланди.

Хавфсизлик Кенгаши аъзолари учрашув иштирокчилари томонидан қабул қилинган Тошкент

Декларациясига, хусусан, ундаги Афғонистонда бир-бирига қарши курашаётган бирор томонга ҳам ҳарбий мадад бермаслик тўғрисидаги мажбуриятга юқори баҳо берди. Шунингдек, улар Афғонистондаги томонларни афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишга тезроқ эришиш мақсадида музокараларни бошлашга даъват этдилар.

Хавфсизлик Кенгаши раиси ва аъзолари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашувини ўтказиш ташаббуси ва уни ташкил этгани учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номидан миннатдорлик изҳор қилдилар.

Ўза - «Жаҳон»



«ИЛ-114» БУХОРО ОСМОНИДА

Эрта тонгданок Бухоро аэропорти ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Мамлакатимиз авиасозлигининг илк қалдирғочи - «ИЛ-114» самолётининг дастлабки рейсини бухороликлар карнайсурнай садолари билан кутиб олди. Жаҳо лайнери командири, учувчиси, борт стюардессалари гуллар тақдим этдилар.

Тошкентдан Бухорога бўлган масофани қандай босиб ўтганимизни ҳам сезмай қолдик, деди йўловчи И.Толибов, - салонлар жуда қулай, шовқин мутлақо эшитилмайди, борт беккаларининг хушмуомилаларини айтмаймишми? Атиги бир соатда манзилга етиб келдик.

ЯРИМ ЙИЛ САРҲИСОБИ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

Навоийда халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг 1999 йил биринчи ярим йиллик яқунлари ҳамда Президентимиз Исроҳимовнинг Вазирилар Маҳкамасида кунни кеча бўлиб ўтган мажлисда сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Ғ.Дилов ана шу ҳақда сўзга чиқди. Таъкидланганидек, жорий йил олтинчи ой мобайнида вилоят халқ ҳужалигининг кўпгина соҳаларида муайян ютуқларга эришилди. Ғалла ва пилла топшириш шартнома режалари муваффақиятли бажарилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ортиди. Шу билан бирга, тўққизта корхона зарар кўриб ишлади. Учқудук, Зарафшон шаҳарлари ва Томди туманидаги айрим корхона ва ташкилотларда маҳсулот ишлаб чиқариш суръатининг пасайишига йўл қўйилди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш талаб даражасида эмас. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари қамаймапти. Ғушт ва сут этиштиришда ҳам қолоқликка йўл қўйилаётди. Ёзу парварлигини кучайтириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Сессияда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ёрқул УМАР

Байрам олди ярмаркалари

Мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги байрами олдида Қарши шаҳрида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди. Бу ерда ҳар шанба ва яқшанба кунлари вилоят ҳўжаликларидан келтирилган полиз, сабазавот, чорвачилик маҳсулотлари бозордагидан анча арзон нархда сотила бошланди. Ўтган дам олиш кунлари Баҳористон ва Шаҳрисабз туманлари деҳқонлари шаҳарликлар дас-турхонига ўз маҳсулотларини тортиқ этди.

Қалб нидоси

Ғоят одобли, ибодли, меҳрибон чиқишди. Ҳаммалари хурматини бажо келтиришди. Йигирма набираю, икки эварамнинг бахтини кўришни насиб этган Яратганга шукрона айтиб, қарилк гаштини суряпман.

— Тўра ака, мана анчадан буён сўхбатлашяпмиз. Эътибор қилсам, «шукр» сўзини кўп ишлатаркансиз...

НОШУКУР БЎЛМАЙЛИК, ШУ КУНЛАР ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК!

ти, бир фикр қил. Энг керакли пайтда Она юртинга, мустақилликка қандай нафнинг тегаяпти, деб сўрасам ҳайрон бўлади...

Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, ёшим етмишдан ошди. Шунинг ярим асри меҳнат билан ўтди. Йигирма йилдан ортик тракторчилик қилдим. Кейин қурилишда ишладим, бетон қуйдим. Қилган меҳнатларим зое кетмади. Бир неча фахрий ёрликлар, ташаккурномалар олдим. 1994 йили эса «Шухрат» медаллари билан тақдирландим. Энг муҳими, ҳалол меҳнат тўғрисида кадр топдим, эл-юрт хурматини қозондим.

Тўрт ўғил, тўрт қизни тарбиялаб вояга етказдим. Уларнинг ҳаммаси олий маълумот олишди, касб-хунар эгалари бўлишди. Ҳозирги кунда фарзандларим эл қорига яраётганидан фахрланаман. Худого шукр, келинларим ҳам ба-



— Эй, болам, билсангиз, бандам мўминга тоғдек сабр-бардош, омаду ризқ-насибани шукроналик берди. Аксинча, уни оживу нотовон қилиб қўядиган, шайтон йўлига бошлайдиган нарса ҳам ношукрлик бўлади. Мухтарам Юртбошимиз Вазирилар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида ҳам ҳаёт, мустақиллик қадри билан хис қилиш, унинг аҳамиятини теран англаш ҳақида беқорга қуюниб гапирмадилар. Чунки шукруни билмаган одам ҳаётнинг, ўзгаларнинг қадру қимматини билмайди. Зеро, қайси хонадонда, маконда, мамлакатда ношукрлик, адолатсизлик зўрайса, ўша ердан барака кўтарилмайди, омад кетади. Баъзи давлатлар мисоли-

ви нималигини билмасдик. Ёки ана у пориллаб ёниб турган газни олинг. Унгимиздан - сулимиздан тортиб кетилган қувурлардан оққан газ қалқаргадир бораётганини билардик. Аммо бизнинг хонадонда топилганда кўмир, топиламан таппи ёқиларди. Мана энди, худого шукр, мустақиллик шарофати билан ҳар бир хонадонга «Зангори олов» кириб келди. Ичимлик суви деган муаммодан қутулдик.

Хўш, нега энди бу кунларга етказганга шукрона айтмаслик керак? Ана шундай имкониятларга эга бўлиб ношукрлик қилиш ғуноҳи азим-ку?!

Ҳа, отахоннинг куйиниб айтган сўзларида жон бор. Ахир жаннатдек Ватани бўла туриб ўзга юртларда санқиб юрган, шу муқаддас тупроқни топтаганлар ношукрлар, ношукрлар эмасми?! Сўз билан таърифлаш қийин бўлган хунрезликка қўл уриб, беғуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига сабабчи бўлганлар энг бахтсиз инсонлардир.

Бетизгин хаёллар оғушида охишта одимлар-канман, беихтиёр «Эй, одам боласи, кифоя қилгудек ризқинг туриб, ҳақдиндан оширадиган молни истайсан. Эй, одам боласи, озга қаноат қилмайсан, кўпга ҳам тўймайсан. Эй, одам боласи, тонг отиб, қўз очаркансан, танинг сихат, оиданг тинч, бир кунлик таомин бўлса бор, ортиқча бойлик исташини кўй» деган муборак ҳадис қайта-қайта ёдга келарди.

Темир ҚУРБОН, «Ишонч» муҳбири.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири Исроҳимовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асарини ўрганиш ва аҳолини фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда фавқулодда вазиятлар вазири Б.Қосимов ана шу ҳақда маъруза қилди.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг ушбу асаридан мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалар, жумладан, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг янада кучайтириш, уни турли оғатлардан сақлаш, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди.

Бу эса аввало вазирлик фаолиятини янада яхшилаш, республикамиз худудларини ҳавфли геологик жараёнлардан ҳимоя қилишнинг асосий муаммоларини ҳал этиш, кўчки, эрозия ва сел ҳодисаларининг олдини олиш, экологик аҳвол, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва соғломлаштириш борасидаги ишларни янада жадаллаштиришни тақозо этади. Сув омбори тўғрисида ва дарё қирғоқлари хавфсизлигини, шунингдек, оғоҳлантирувчи алоқа воситалари ўрнатилишини таъминлаш ва борадаги долзарб вазифалардан биридир.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев сўзга чиқди.

(Ўза)

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ЙИЛИНИНГ ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ:

Макроиқтисодий барқарорликка эришилгани жорий йилда йилнинг энг устувор вазифаси - аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласини муваффақиятли ҳал этиш учун реал шароит яратди. Халқимизни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш масаласи эса, ўзингизга яхши маълумки, ислохотлар жараёнининг асосий тамойилини, керак бўлса, маъномоҳиятини ташкил этади.

1 августдан эътиборан ўртача иш ҳақи, стипендиялар, пенсия ва нафақаларни 1,4 баробар ошириш ҳақида Фармон қабул қилинди. Агар январ ойидаги иш ҳақи ва пенсия, стипендияларнинг оширилганини кўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, бу рақам йил бўйича 1,7 баробарни ташкил этади. Бу таъмин қилинган инфляция, яъни нарх ошиши суръатларига нисбатан 3 марта кўпдир. Иш ҳақини ошириш учун қўшимча 50 миллиард сўмлик бюджет маблағлари қидириб топилди.

Аҳолининг ночор табақалари - кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз нафақадорларга давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг аниқ бориб етишига катта аҳамият берилмоқда. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш учун мустақам меъёрий-ҳуқуқий замин ва самарали механизм яратилди. Ижтимоий муҳофазанинг жамият ўзига бўлмиш оилага қаратилгани унинг асосий хусусиятидир.

Ўтган 6 ой давомида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига қарийб 19 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бугунги кунда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат тўғрисида 16 ёшга тўлмаган фарзандлари бўлган 1 миллиондан ортиқ оила, 260 мингдан зиёд кам таъминланган оила ва икки ёшга тўлмаган гўдақларни тарбия қилаётган, 540 минг ишламайдиган она давлатдан ёрдам пули олмақда.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар тизимида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини, биринчи галда, қишлоқ аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда... Фақат ўтган ярим йиллик мобайнида 900 километр атрофида водопровод ва 2 минг километрдан зиёд газ қувури тармоқлари ишга туширилди.

ХАЛҚ ҲОФИЗИНИ ХОТИРЛАБ

Бўстон шаҳрида Ўрта Осиёнинг таникли ҳофизларидан бири, Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон ва Татаристон халқ артисти, Ҳамза мукофоти лауреати Отажон Худойшукров хотирасига бағишланган ёшларнинг биринчи республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.


«Қамбарнинг олтин сози» деб номланган бу танловда Андижон, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан 45 нафар иқтидорли ёш ҳофиз қатнашди. Санъат оламига дадил кириб келаётган ёшлар уч кун давомида Отажон Худойшукров ҳаётида иккунга эътибор этакан муомтоз ашулаларни ўзига хос маҳорат ва эҳтирс билан қўйладилар. Шу боис нуфузли ҳакамлар ҳайратининг голибларни аниқлаши анча қийин келди. Пилоравар натижада иккунга биринчи ўрин таъсис этилди. Хоразм вилоятидан Равшан Матёқубов ҳамда Бухоро вилояти вакили Сайибжон Нийёзов танлов голиби деб топилди.

«Қамбарнинг олтин сози» кўрик-танлови очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаси раиси Т.Қамолов қатнашди.

Ёнгозор ва бодомзорларнинг атроф-муҳитга чиқараётган фитонцидлар, эфир мойлари каби моддаларида ўпка ва нафас йўллари хасталикларини табиий шароитда даволаш оладинан муҳим хусусият мужассам. Шу боис нафас йўллари касалланган беморлар даво истаб табиатнинг мўъжизавий масканларини излаб турли жойларга борадилар. Бўстонлик туманининг хушманзара тоғ бағридаги Октошский ва Аюбсайлар оралигида жойлашган «Октош» сихатгоҳи ана шу хусусиятлари билан ажойиб маскандир. Саккиз гектарлик ҳудудда 1936 йилда яхши ниятлар билан санаторий қад ростлаган эди. Аммо бугунга келиб мазкур санаторий ўз шакли шамойилини бутунлай ўргатириб юборди. Сув, физиотерапевтик муолажалар ҳам табиий шароит хусусияти билан уйғунлашиб беморларнинг дардларига дармон бўлади. Қолаверса, санаторий маъмуриятининг доимий гамхўрликлари сабабли сихатгоҳда даволанаётган ҳар бир бемор учун кунлар марокли ва завқли ўтади. Шу боис ҳам мазкур сихатгоҳга келган киши албатта келаси йили уни кўмсаб, имкон топса, қайтиб келади.

гоҳда жаҳон андозалари талаблари асосида даволаш муолажаларини ташкил қилиш ва ҳар бир онни марокли ўтказиш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ёз фаслида мазкур санато-

ликда жойлашганлиги сабабли ходимларнинг ишга келиб-кетиши анча қийинчилик туғдирар эди. Эндиликда сихатгоҳ автобуси ишчи-хизматчиларига бе-миннат хизмат қилмоқда. ган иншоотда барча шарт-шароитлар яратилган бўлади. Йил охиригача ана шундай оилавий ҳордиқ чиқаришга имкон берадиган коттежнинг яна биттаси куриб битказилиши режалаштирилган. Хуллас, бугун мазкур ху-



чалар қийин бўлса? Қолаверса, сихатгоҳни электрэнергияси билан таъминлаш ҳам кўнгилдагидек эмаслигини қандайдан изохлаш мумкин? Санаторий кишлоқнинг умумий электр тармоғига уланганлигидан узи-

«ОКТОШ»

СИХАТГОҲИДА «ОНА ВА БОЛА»

БЎЛИМИ ОЧИЛМОҚДА



Дам олаётганларни суҳбатга тортар эканмиз, аксарият ҳолларда улар ҳар йили мазкур сихатгоҳда даволаниб, маданий ҳордиқ чиқариб, вақтларини марокли ўтказиб туришлари мазкур сихатгоҳ билан изҳор қиладилар.

- Мен Шахрихонликман,- дейди Одилжон Тешабоев. - Мана икки йилдан бери мазкур сихатгоҳда дам оламан. Илгарилари нафас олишим оғирлашиб, баъзан хуруж қилиб қоладиган дардим бор эди. Мазкур сихатгоҳда даволаниб қайтганимдан сўнг ишонасизми, бирор марта ҳам касалим қийнамади.

- Мен Сайёра Гадоева хоразмликман,- дейди чехрасидан нур ёғилиб турган аёл. - Уч йил илгари шифокорлар шу санаторийда даволанишимни маслаҳат беришди. Келиб мазкур сихатгоҳнинг хушманзара ҳудудда жойлашганлигидан, хизмат кўрсатадиган ходимларнинг хушмуомалалигидан ва бизлар учун яратилган шарт-шароитларини ҳам қўлай, ҳам марокли эканлигидан дам оламан. Шундан буён ҳар йили ушбу санаторийга келадиган бўлиб қолдим.

Бундай дил сўзлари ҳар бир даволанувчининг изҳорига айлиниб қолган. Бугун мазкур сихат-

Республика касабани уюшмалари Федерацияси меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашдек савобли ишлари қаторида аҳолининг сихат-саломатлигини тиклашга қаратилган кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. Федерация мутасаддилари «Октош» ҳудудида қўлай табиий шароитнинг аҳоли соғлигини тиклашдаги ролини янада ошириш мақсадида «Она ва бола» коттежини қуришга киришди. Бунинг учун катта маблағ ажратди. Бугун мазкур оилавий коттежнинг дастлабки биноси қурилиши якунланди. Яқин кунларда фойдаланишга топширилиши мўължаланилаёт-

дудда каттагина қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Аммо сихатгоҳда ҳали ечимини кутаётган муаммолар, бажарилиши лозим бўлган ишлар мавжуд эканлиги бош шифокор билан бўлган суҳбатимиздан кейин аён бўлди. Жумладан, сихатгоҳ туман марказидан анча олисда жойлашган бўлиб, деярли автотранспорт қатнови йўлга қўйилмаган. Илгарилари Чирчиқ - Октош автобуси юрган бўлса, эндиликда у мумкин қатнамайди. Бу ҳол дам олишга келувчилар, уларни йўқлагувчилар, учун анча қийинчилик туғдирмоқда. Наҳотки, бу муаммони ҳал этиш шун-

лишлар бўлиб туради. Гоҳо бундай ҳолнинг икки-уч кунлаб давом этиши муолажаларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Кейинги пайтларда Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги билан олиб борилган мунозаралар натижасини фақатгина ҳафтанинг пайшанба кунлари электр энергияси узилиши ҳақида маълумотнома олинган. Бу қанақаси, ҳафтада бир кун электр токи сихатгоҳда бўлма-са?

Изланиш бор жойда натижа ҳам бўлади. Бош шифокорнинг савий-ҳаракатлари билан соляркада ишлайдиган дизел ускунаси ўрнатилди. Эндиликда у баъзи бир нуқулликларга барҳам бермоқда. Табиий газ ҳам ҳали санаторий ҳудудига етиб келмаган эди. Шу боис Республика касабани уюшмалари Федерацияси, Чирчиқ кимё-саноати комбинати, Республика алоқа вазирлиги, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашма-



си биргаликда сихатгоҳ табиий газ қувурлари ётқизиш ишларини жадал олиб боришмоқда. Айни чоғда канализация қурилиши ҳам амалга оширилмоқда.

Сихатгоҳда маданий хизмат кўрсатиш ҳам намунали ташкил этилган. Уйин майдонлари, дискотека, клуб, видеотека, теннис, биллиард қабилар. Улар хизматида Маъмурият «Ўзбекнаво» бирлашмаси билан шартнома тузган. -Таниқли артистлар ижросида тезтез концерт дастурлари намойиш этилиб, шоирлар билан учрашувлар ўтказилиб турилади. Даволанувчилар эса шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига, «Чорвоқ» сув омборига марокли саёҳатларга чиқиб турадилар. Кутубхона китобхонлар билан гав-

Фазилят ҲОЖИҚУЛОВА, «Ишонч» мухбири. Абдугани ЖУМА олган суратлар.

«МУСТАҚИЛЛИК»

ГУЗАРИ

Қўрғонтепа шаҳрининг «Мустақиллик» маҳалласи гузарига гиламчилик, зардулик ва нон маҳсулотлари цехларининг ишга туширилгани тўғрисида бу ерда меҳнат қилаётган хотин-қизлар эътибор нафардан ортди. Шу боис, туман аҳолиси ушбу гузарни «Аёллар гузари» дея аташга қарор қилди.

Эндиликда маҳалла ўз маданий-маиший хизмат турларига эга. Бу ерда юқоридаги ишлаб чиқариш цехларидан ташқари «Аёллар гузарлик саломи», дорихона, шунингдек, тикувчилик ва миллий хунармандлик маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар аҳоли хизматида. Айни вақтда маҳаллада унлаб ёшлар «Уста-шоғирд» дастурхона асосан миллий хунармандлик сирларини ўрганмоқда.

БЎСТОНДАГИ БОФ

Қорақалпоғистон Республикаси Бўстон шаҳридаги марказий истироҳат боғи буюк қаҳромонликлари юрт озодлиги учун кураш рамизига айланган Жалолиддин Мангуберди номи билан атала бошлади. Шу муносабат билан шаҳарнинг энг хушманзара гушасида жойлашган бу сўлим боғнинг миллий меъморлик анъаналари асосида қурилган қўшдарвозаси пештоқиға машҳур саркарда таваллудининг 800 йиллигини ифодолувчи мрамар лавҳа ўрнатилди. Ўттиз гектарли боғнинг теварак-атрофи нақшинкор панжаралар билан безатилди, янги гулзор ва хиёбонлар барпо этилди, маданий-маиший хизмат шохобчалари очилди.

Олтириқлик Хайрихон Розикова тadbirkor аёл.

У «Феруза» хусусий корхонасининг раҳбари, тadbirkorликни ривожлантириш мақсадида «Бизнес-Фонд»дан яхши умид билан мақсадли кредит олди. Тикув машиналари, хомашё материаллари харид қилиб хотин-қизларни ишга тақлим этди. Дастлаб фаолият рисоладагидек эди. Лекин... Шу кунларда Хайрихоннинг кайфияти сал андакроқ.

...1997 йил сентябр ойининг 7-кунинда хусусий корхона раҳбари билан Т.Исақов номи жамоа хўжалиги бошқаруви раиси ўртасида шартнома имзоланди. Мазкур ҳужжатга асосан хусусий корхона жамоа хўжалигига 1997 йилнинг октябрга 2 минг дона пахта териш этагини етказиб бериши, буюртмачи эса топширилган маҳсулот пулини ўз вақтида тўлаши, шунингдек қайси тараф мажбуриятни бажармаса жарима тўлаши шарт. Шартнома имзоланган кундан икки кун кейин (9 сентябр) корхона ҳар бир донаси 90 сўм бўлган 2 минг дона умумий баҳоси 180 минг сўмли пахта териш этагини жамоа хўжалигига ҳужжатлар асосида топширди. Хўжалик раҳбари эса негадир олинган маҳсулот қийматини тўлашни пайсалга солиди. Корхона раҳбари уч марта раис номига талабнома ёзди, бир неча марта оғзаки мурожаат этди. Тўловни бажармаса, хўжалик судига беришлигини огоҳлантирди. Шундан сўнг хўжалик хамир учиндан патир қабилада 10 минг сўмига корхона ҳисоб рақамига ўтказди. Шу ҳолос, Молиявий аҳоли оғирлашиб кредит, солиқ ва бошқа тўловларни удралай олмади, иложсиз қолган корхона раҳбари давлат божи учун қарз кўтариб, жамоа хўжалигини судга берди.

Қонун ҳаётининг билан қудратли

ошмаган миқдорда жари-сига (пеня) тўлайди» жумласига ишора қилиб «жари-ма миқдори умумий сумманинг 15 фоиздан ошиб кетмаслиги» лозим бўлса-да, 1-инстанция суд бунга эътибор бермаган деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, апелляция судлов ҳайъати вергулгача бўлган «... кечиктирилган ҳар бир кун учун 10 фоиз...» жумласига аҳамият қилмайди. Шу асосда протестни маъқуллаган суд ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Президентининг хўжалик юришчи субъектларининг иқтисодий ноқорлиги ва шартнома мажбуриятларининг

сига 170 минг сўм асосий қарз, 270 минг сўм жари-ма ва 5910 сўм давлат божи харажати ундиришга қарор қилади. Кези келганда айтиш керакки, янги ХПКнинг «Апелляция инстанцияларида иш юритиш» бўлими моддаларида прокурорларга апелляция протест киритиш ҳуқуқи берилмаган. Улар фақат кассация протест киритишлари мумкин. Бундан қўринадики, судлов ҳайъати иш юришда қонун талабини бузган.

Корхона раҳбари суд қароридан норози бўлиб Республика Олий ҳўжалик

тери ҳисобини аризага қўшимча қилмаган. Шунга қарамай жамоа хўжалиги маҳсулот суммасини ўз вақтида тўлаши ва шартнома мажбуриятини бажариш керак эди» дейилди суд ҳужжатларида. Судлов ҳайъати даъвоининг жарима қисми бўйича ЎРФКнинг 326-моддасига кўра кредитор ва қарздор манфаатларини ҳисобга олган ҳолда жамоа хўжалиги мажбуриятини имконият борица бажариб, суднинг қарорига кўра 1998 йил 1 июн ҳолатига жами 388640 сўмлик маҳсулот ва 10 минг сўм пул бергани, шу билан бирга

қолдиришни, шунингдек шартнома мажбуриятни бажарилмаганлиги тўғрисида қонунда белги-ланган тартибда қарор қабул қилишга ҳақли бўлиши сўрайди.

- Биз маҳсулотни етказиб берган вақтда хўжалик тўловни удралашга қодир эди,- дейди Х.Розикова. - Хўжалик раҳбари бизни сарсон қилганда корхонамиз кредит қарзлардан қутулиб оёққа туриб оларди. Ҳисоб рақамида камида 2 млн. сўм соф фойда маблағ жамғариларди. Энг асосий ишчиларимиз ишсиз, маошсиз қолишмасди.

ТАДБИРКОР НЕГА БОШИ БЕРК КЎЧАГА КИРИБ ҚОЛДИ

бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисидаги Фармонига биноан маҳсулот қийматини вақтида тўламай ўзининг маъсулиятсизлиги ва бепарволиги билан тўлов интизомини бузганлиги учун Т.Исақов номи жамоа хўжалигининг собиқ раиси Солиқов Абдуфаттоҳ ҳисобидан мазкур суд харажатлари (35865 сўм моддий зарар)ни қоплаш ва ундан жамоа хўжалиги фойдасига ундиришни лозим топади. Шунингдек, суд даъвоини қисман қаноатлантириб жамоа хўжалиги мол-мулкидан хусусий корхона фойда-

судига назорат тартибиде қўришлик учун шикоят йўлади.

1998 йил 24 май кунини Олий ҳўжалик судининг судлов ҳайъати (А.Дўстобоев - раис, аъзолари - Е.Еснийезов, А.Мадррахимов) мазкур ишни кўриб чиқди.

«Шартноманинг 3.1 бандида товар ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 10 фоиз, лекин 15 фоиздан ошмаган миқдорда жарима белгиланган. Лекин товар ҳақини қайси муддатларда тўлашлик аниқ белгиланмаган. Даъвогар даъво тақдим этишда жари-ма ҳисоби бўйича бухгалтерия ҳисобини аризага қўшимча қилмаган. Шунга қарамай жамоа хўжалиги маҳсулот суммасини ўз вақтида тўлаши ва шартнома мажбуриятини бажариш керак эди» дейилди суд ҳужжатларида. Судлов ҳайъати даъвоининг жарима қисми бўйича ЎРФКнинг 326-моддасига кўра кредитор ва қарздор манфаатларини ҳисобга олган ҳолда жамоа хўжалиги мажбуриятини имконият борица бажариб, суднинг қарорига кўра 1998 йил 1 июн ҳолатига жами 388640 сўмлик маҳсулот ва 10 минг сўм пул бергани, шу билан бирга

қонуний ҳужжат нега турлича талқин этилади? Бундан қимлар манфаатдор?

Хусусий корхона раҳбари ўзининг Олий ҳўжалик судига ёзган шикоятда шундай деб ёзди: «Жавобгар қарзларни ўз вақтида тўламаганлиги оқибатида биз вилоят «Бизнес-Фонд» кредит фондларидан 93 минг, «Мадад» сугурта агентлигидан 380 минг, солиқ инспекция-сидан 80600 сўм, пенсия фондидан 25 минг сўм, ижара ҳақидан 30 минг сўм ва бошқа тўловлардан қарзларимиз кўпайиб иқтисодий тангликка дучор бўлдик...» Даъвогар суддан 1-инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб тadbirkorлик масаласига жиддий эътибор қаратилганлиги, мамлакат Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан «Бизнес-Фонд» жамғармаси ташкил қилинганлиги бежиз эмас. Фонд маблағлари иқтисодий ислохотлар жараёнида мақсадли йўналтирилган ҳолда ўз самарасини бериши керак.

Модомики шундай экан ваколатли қонун мутасаддилари давлат маблағларининг жойларда беҳуда самарасиз йўқ бўлиб кетиши сабабларига эътибор қаратиб, уларга умумдавлат манфаатларидан келиб чиқиб баҳо беришлари шарт эмасми?

Гапнинг индаллоси шуки, юқоридаги ҳолатлар хусусий мулкчилик сифатига, тadbirkorликнинг тараққиётига тўсиқ бўлишдан ўзга нарса эмас.

Раҳимжон ҲОМИДОВ, «Ишонч» мухбири.

